

56.10.10.000-00001 3953-11/10  
4821.190

# ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА ОИД ШАРТНОМА № 1

2022 йил 27 январь

**Самарканд шахри**  
«Anora shirin taomlari» маъсулияти чекланган жамияти, кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг  
устаи асосида раҳбари Жафаров А.Р. номидан, бир томондан ва "Самарканд вилояти Усимликлар карантини  
ва химояси Бошкармаси", кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг маҳаллий бюджет  
конунчилиги асосида иш юритувчи А. Бодакцлов номидан, иккинчи томондан  
мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи" га "Овкатланиш хизматини кўрсатиш», "Буюртмачи"  
ушбу "Хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

№	Хизмат тури	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Баҳоси
1	Умумий овкатланиш хизматлари	киши	15	180 205	2 703 075
<b>Жами:</b>					<b>2 703 075 сум ККС б-н</b>

1.3. Шартноманинг умумий суммаси **2 703 075 (икки миллион етти юз уч минг етмиш беш) сум ККС билан**  
деб белгиланди. Бажариладиган хизматлар учун олдиндан 30%и колган тулов миқдорининг 70 %и иш  
бажарилгандан сунг туланади.

1.4. "Хизматлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари  
мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 2.1. " Буюртмачи "нинг ҳуқуқлари:

- 2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив  
ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;  
2.1.2. "Бажарувчи"дан "Хизматлар" " Буюртмачи "нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини  
қоплашни талаб қилиш;  
2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомога мувофиқ тегишли  
сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;  
2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:  
- зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;  
- "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар  
томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;  
- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;  
2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар  
қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

### 2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

- 2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида "Бажарувчи" билан шартнома  
тузиш;  
2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;  
2.2.3. «Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш  
далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб, ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказгандан сўнг 20 кун мобайнида  
ҳақ тўлаш.

### 2.3. «Бажарувчи» куйидаги ҳуқуқларга эга:

- 2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган  
тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;  
2.3.2. Берилган буюртманомога мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши  
натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

### 2.4. «Бажарувчи» куйидагиларга мажбур:

- 2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Ғазначилик бошкармасидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг  
"Хизматлар"ни кўрсатиш;  
2.4.2. "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур  
шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар,  
сифат ва миқдорда кўрсатиш;  
2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга  
йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 2 кун муддатда текин тузатиб  
бериш.

### III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 2 703 075 (икки миллион етти юз уч минг етмиш беш) сум ККС билан ташкил этади. Кўрсатиладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.
- 3.2. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

### IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида ғазначилик бошқармаларининг штампиди кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.5. Назарда тутилган миқдордан ортикча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафттарини юритади.
- 4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Кўрсатилаётган "Хизматлар" сифати, миқдори "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" кўрсатилаётган "Хизматлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
- 5.2. Агар кўрсатилган "Хизматлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Хизматлар" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
- 5.3. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
- 5.4. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак! Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.
- 5.5. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак.
- 5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарк товар етказиб берувчи томонидан копланеди.

#### VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

#### VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

7.2. Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

7.3. Ушбу шартнома 2022 йил 27 январда тузилган 1-сонли шартнома 2022 йил 27 январдан 2022 йил 31 декабргача 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Самарканд вилоят газначилик бошқармасида белгиланган тартибда рўйхатдан утказилгандан сунг қонуний кучга кирилади.

#### VIII. ЯКУНИЙ ҚОЙДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

8.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.)

#### IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ


«Бажарувчи»

«Буюртмачи»

«Anora shirin taomlari» МЧЖ

Манзил: Самарканд ш. М.Кошгарий, 54  
Тел: 233-35-91, факс: 233-35-91  
х/р 20 20 80 00 90 48 71 88 20 01  
Банк номи: АКБ «Капиталбанк»  
МФО 01061 ОКОНХ 71300  
ИНН 301727501, ОКЭД 56100  
ККС рақами: 318010015919

Samarqand viloyati O'simliklar karantini va himoyasi Boshqarmasi  
Samarqand shahri, Xuja Axror Vali ko'chasi, 21-A uy  
Moliya Vazirligi yagona G'azna hisob varagi STIR:201 122 919  
H/R:23402000300100001010  
shxr:100021860184017042103061001  
shxr:401021860184017042103061001  
shxr:400121860184017042103061001  
Markaziy bank XKKM Toshket shahri  
MFO:00014 STIR:200714180 IFUT:  
Tel.:66-238-71-47; Faks:66-238-71-48



Раҳбар

Жафаров А.Р.



А. Бобакулов

Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):

Лицензия (диплом) № ва берилган санаси

Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш):

Лицензия (диплом) № ва берилган санаси

«ЗАКАЗЧИК»

«ИСПОЛНИТЕЛЬ»

Samarqand viloyati O'simliklar karantini va himoyasi **Bashqarmasi**  
 Samarqand shahri, Xuja Axror Vali ko'chasi, 21-A uy  
 Moliya Vazirligi yagona G'azna hisob varagi STIR:201 122 919  
 H/R:23402000300100001010  
 shxr:100021860184017042103061001  
 shxr:401021860184017042103061001  
 shxr:400121860184017042103061001  
 Markaziy bank XKKM Toshket shahri  
 MFO:00014 STIR:200714180 IFUT:  
 Tel.:66-238-71-47; Faks:66-238-71-48

ООО «Anora shirin taomlari»  
 г.Самарканд, ул. М.Кошгарий, 54  
 р/с 20208000904871882001  
 в АКБ «КАПИТАЛ BANK»  
 г.Самарканд, МФО 01061  
 ИНН 301727501, ОКЭД 56100  
 Тел: 233-05-44

АКТ

выполненных работ от « 27 января 2022 г.  
 к договору № 1 от « 27 » января 2022 г.

Настоящим актом подтверждается, что 27 января 2022 года со стороны ООО «Anora shirin taomlari» была оказана услуга по питанию в количестве 15 (пятнадцать) человек для «Самарканд вилоят Усимликлар карантини ва химояси Бошкармаси» на сумму **2 703 075** (два миллиона семьсот три тысячи семьдесят пять) сумов с НДС.

Работы выполнены в срок и надлежащего качества.  
 Стороны претензий друг к другу не имеют.



РАБОТУ ПРИНЯЛ



РАБОТУ СДАЛ

М.П. Жафаров А.Р.

СЧЕТ - ФАКТУРА № 1  
 от " 27 " января 2022 г.  
 К товарно-отгрузочным документам  
 № 1 от 27.01.2022 г.

Исполнитель	ООО "Anora shirin taomlari"
Адрес	ул. М.Кошгарий, 54
Телефон	66 233-05-44
Р/счет	20208000904871882001
В	СФ АКБ "КАПИТАЛ BANK"
МФО	01061
ИНН	301727501
ОКЭД	56100
Рег. код НДС	318010015919

Покупатель	Сам.вил.Усимликлар карантин ва химоя Бошкармаси
Адрес:	г. Самарканд, ул. Хужа Ахрор Вали, 21-А
	р/с 23402000300100001010
	Марказий банк ХККМ , МФО 00014
ИНН	201 122 919
Ш/хр:	401021860184017042910080001
ИНН	200714180
тел:	8 (366) 238-71-47

Наименование товаров, работ, услуг	Ед.изм.	Кол-во	Цена	Стоимость поставки	НДС 15%		Стоимость поставки с учетом НДС
					ставка 15%	Сумма	
Услуги общественного питания 27 января 2022г.	чел	15	156700,00	2 350 500,00	15%	352 575,00	2 703 075,00
							2 703 075,00
Всего к оплате: Два миллиона семьсот три тысячи семьдесят пять сум 00 тийин с НДС.							

Руководитель: Жафаров А.Р.  
 Главный бухгалтер: Хусаинов Р.Ш.  
 Товар отпустил: \_\_\_\_\_  
 (подпись ответственного лица от поставщика)



Получил \_\_\_\_\_  
 (подпись покупателя или уполномоченного представителя)



O'zbekiston Respublikasi  
Samarqand shahar hokimligi

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazish to'g'risida

# GUVOHнома

Reestrdaagi tartib raqami - 6920

№ 04705

2010 yil 29 oktyabr

Mazkur guvohnoma yuridik shaxs «ANORA SHIRIN TAOMLARI»  
Mas'uliyati cheklangan jamiyatiga berilgan  
(o'zbek tilidagi to'liq nomi)

Tashkiliy-huquqiy shakli

THSh

1152

Mulkchilik shakli

MSh

142

Pochta manzili

MHOBT

1718401

Yuridik shaxs kodi

KTUT

23453129

Tarmog kodi

XXTUT

71300

Soliq to'loychining identifikatsiya raqami

STIR

301727501

Qo'shimcha ma'lumotlar

Inspeksiya boshlig'i



S. Shodiboev

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида  
рўйхатдан ўтганлик тўғрисида

ГУВОҲНОМА

Ушбу Гувоҳнома қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида  
рўйхатдан ўтганлигини ҳамда рўйхатдан ўтиш коди берилганлигини  
тасдиқлайди.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ НОМИ:

"ANORA SHIRIN TAOMLARI" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ИДЕНТИФИКАЦИЯ РАҚАМИ:

301727501

ПОЧТА МАНЗИЛИ:

М.КОШГАРИЙ 54

РЎЙХАТДАН ЎТИШ КОДИ:

318010015919

РЎЙХАТДАН ЎТИШ САНАСИ:

24.11.2018

